



ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Курбонова Шахриноз Авазхоновна
Фарғона политехника институти
таянч докторанти

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a58

Аннотация. Мақолада иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва унинг бошқарувда, фаолиятни режалаштириш, самарали иқтисодий қарорлар қабул қилишда тутган ўрни, таҳлил жарабёнини ташкил этишининг замонавий тенденциялари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот давомида иқтисодий таҳлил эволюцияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, иқтисодий таҳлилнинг фан ва амалиёт сифатида шаклланиши, иқтисодий таҳлилнинг назарий жиҳатлари, унинг методологияси ҳамда амалиётига катта ҳисса қўшган олимлар илмий ишлари муҳокама этилади.

Таянч сўзлар: таҳлил, босқич, ривожланиш, назария, методология, тамойиллар, илмий ишланмалар, таҳлил объекти, иқтисодий омиллар, аналитика, тадқиқот усуллари.

РОЛЬ ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА В УСЛОВИЯХ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ И ДИВЕРСИФИКАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Курбонова Шахриноз Авазхоновна
Докторантка Ферганского политехнического института

Аннотация. В статье описано становление экономического анализа как науки, его роль в управлении, планировании деятельности, эффективном принятии экономических решений, а также современные тенденции в организации процесса анализа. Также в ходе исследования были обсуждены и рассмотрены этапы эволюции экономического анализа, их характеристики, становление экономического анализа как науки и практики, теоретические аспекты экономического анализа, его методология и научные труды ученых, внесших большой вклад в его практику.

Ключевые слова: анализ, этап, развитие, теория, методология, принципы, научные разработки, объект анализа, экономические факторы, аналитика, методы исследования.

THE ROLE OF ECONOMIC ANALYSIS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC LIBERALIZATION AND DIVERSIFICATION

Kurbanova Shaxrinoz Avazxonovna
Doctoral student of the Fergana polytechnic institute

Abstract. The article describes the formation of economic analysis as a science and its role in management, activity planning, effective economic decision-making, and modern trends in the organization of the analysis process. Also, during the research, the stages of the evolution of economic analysis, their characteristics, the formation of economic analysis as a science and practice, the theoretical aspects of economic analysis, its methodology and scientific works of scientists who contributed greatly to its practice are discussed.

Keywords: analysis, stage, development, theory, methodology, principles, scientific developments, object of analysis, economic factors, analytics, research methods.

Кириш. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, шунингдек, экспорт ҳажми-нинг ортиши, инфляциянинг жиловланиши ва шу каби бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Макроиқтисодий кўрсат-кичларнинг ижобий натижаси эса микроиқти-содиёт субъектлари бўлган хўжалик юритувчи корхоналарнинг молиявий барқарор фаолия-тига боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий-иқти-содий барқарорлигини таъминлаш эса уларни

оқилона бошқариш, яъни молиявий менеж-ментни оптимал даражада ташкил этиш, молиявий ҳисоб ва ҳисботни бозор иқтисодиё-ти талабларига мослаш, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хиз-мат кўрсатишни ташкил этишга боғлиқдир. Бу эса макродаражада барқарор иқтисодий ўсиш, аҳолини иш билан таъминлаш, давлат бюд-жети даромадлари шаклланишига, микрода-

ражада эса корхоналарнинг юқори рентабеллигини таъминлашга ва инвестиция жозибадорлигининг ошишига олиб келади.

Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятга эришишида, ҳисоб ишларининг мукаммалиги, пул оқимларининг оқилона бошқарилиши, молиявий масалаларга доир самарали иқтисодий қарорлар қабул қилинишига корхонада иқтисодий таҳлилнинг, хусусан, унинг асосий бўғини бўлган молиявий таҳлилнинг сифатли ташкил этилиши катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, молиявий таҳлил қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига, инвесторларга фонд бозорларидан компаниялар акцияларини сотиб олишда оқилона инвестицион қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Молиявий таҳлилни амалга ошириш орқали корхона маблағлари, унинг ташкил топиш манбалари, молиявий натижалари, асосий воситалари ҳаракати, пул оқимлари ва хусусий капитал таркиби, компанияларнинг кредитга лаёқатлилиги, умуман, молиявий барқарорлигига объектив баҳо бериш мумкин.

Хозирги кунда дунёда иқтисодий глобаллашув тобора муҳим ҳодисага айланиб, мамлакатлар, компаниялар ва инвесторларнинг ўзаро муносабатларини ўзгартиromoқда. Шу жиҳатдан олганда, иқтисодий таҳлил инвестицион қарорлар қабул қилишда асосий роль ўйнайди, жаҳон бозори интеграцияси шароитида муваффақиятли инвестицион стратегияларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар таҳлили. Жамиятдаги иқтисодий муносабатлар ва фаолиятларнинг ижтимоий оқибатлари, уларнинг мазмун-мөҳиятига кириб борадиган ва ҳаракатлантирувчи кучларни аниқлай оладиган аналитик тадқиқотлар мажмуаси сифатида иқтисодий таҳлил фан сифатида бошқа фанлар каби ўзига хос кўхна тарихга эга. Иқтисодий таҳлилнинг пайдо бўлиши барча иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва иқтисодий фанларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унинг тарихи қадимги асрларга бориб тақалади. Хусусан, Қадимги Шарқ, Юнон ва Рим мутафаккирларидан Конфуций, Ксенофонт, Платон, Аристотель, Варро, Сенека таълимотларида иқтисодий таҳлил элементлари ўз аксини топган. Ўрта асрлар иқтисодчи олимлари В.Петти, Д.Рикардо, А.Смит, Ж.С.Сисмонди ва бошқа иқтисодчи олимларнинг асарларида иқтисодий таҳлил бўйича қарашлар дастлаб сиёсий иқтисодий таълимот сифатида

кўрилган бўлса, кейинчалик иқтисодий фаолият фактларини таҳлил ва синтез асосида изоҳлаш воситаси сифатида таърифланган.

Умуман олганда, иқтисодий таҳлилнинг алоҳида фан сифатида шаклланиши бўйича иқтисодчи олимларнинг турлича қарашлари мавжуд. Масалан, россиялик иқтисодчи олимлар М.И.Баканов ва А.Д.Шеремет иқтисодий таҳлилнинг фан ҳамда амалиёт сифатида ривожланиш даврини уч босқичга – Россия империяси, 2017 йилдаги инқилобдан кейинги давр ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврларига ажратадилар[1]. Айрим иқтисодчи олимлар эса бу босқичларни 4 даврга бўлиб, юқоридагиларга қўшимча равишда ҳозирги – иқтисодий глобаллашув даврини ҳам киритадилар [2].

Ўзбекистонда иқтисодий таҳлил фанининг пайдо бўлиши ва шаклланиши бошқа иқтисодий фанлар сингари Ўзбекистонда собық Иттифоқ даврига тўғри келади. Ўзбекистонлик олимлардан Н.Ф.Ишонқулов, М.К.Пардаев, А.Т.Иброҳимов, К.М.Мисиров, У.А.Нурманов асарларида “бухгалтерия ҳисоби фанининг яратилганлигига 500 йилдан ошди. Шу фан негизида: «Иқтисодий таҳлил» фани вужудга келганлигига ҳам 100 йилга яқинлашди”, – деб таъкидлашади. Шунингдек, улар иқтисодий таҳлил фанининг шу кунгача бир неча номда бўлганлигини эътироф этадилар[3].

Иқтисодий таҳлилнинг пайдо бўлиши ва фан сифатида шаклланиши юзасидан ўзбекистонлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар, асосан, Чор Россияси ва собық Иттифоқ даврини қамраб олади. Хусусан, иқтисод фанлари доктори, профессор М.К.Пардаев ва А.Х.Шоалимов ҳамда иқтисод фанлари номзоди, доцент Ш.А.Тожибоева ўз илмий ишларида иқтисодий таҳлилни Чор Россияси хукмрон бўлган даврларда ва собық Иттифоқ таркибидаги давлатлар ҳудудларида шаклланиш эволюцияси ҳамда босқичлари бўйича тадқиқот олиб борганлар [4].

Австрия ва АҚШнинг буюк иқтисодчиларидан Жозеф Шумпетер (1883-1950) “Иқтисодий таҳлил тарихи” китобида Қадимги Юнонистондан Иккинчи жаҳон уруши охиригача бўлган иқтисодий назариянинг тўлиқ тарихини тақдим этишга ҳаракат қилган. Асарда иқтисодий таҳлил усуслари, бошқа фанлардаги замонавий ўзгаришлар ва иқтисод социологияси ўз аксини топган. Шумпетер иқтисодни инсонпарварлик фани сифатида тасаввур қилган ва бу қарашларини ўз асарларида ҳар томонлама аниқ ва тушунарли акс эттирган [5].

Иқтисодий таҳлил фанининг шаклланиши ва жамият тараққиётида тутган ўрни бўйича олиб борилган тадқиқотлар давомида иқтисодий қарашлар ва таҳлилий ёндашувлар бўйича ислом олами ва юртимиз алломаларининг ҳам ўзига хос фикрлари бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Илм-фаннынг турли соҳаларига, жумладан, фалсафа, сиёсатшунослик ва иқтисодга катта ҳисса кўшган йирик ислом файласуфи Абу Наср Форобий (тахминан 872-950) ўз асарларида ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий жиҳатларига ҳам тўхталиб, иқтисодий таҳлилга оид баъзи фикр ва қарашларни қолдирган. Ал-Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари” асарида ўзининг фалсафий ва сиёсий қарашларига асосланиб, жамият барқарорлигини таъминлаш учун барқарор иқтисодий тизим зарурлиги ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқди. У хўжалик фаолиятини тўғри ташкил этиш, ресурсларни бошқариш ва жамиятнинг барча аъзолари фаровонлигини таъминлашга катта аҳамият берди.

Шарқнинг яна бир мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан саналган Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048) қарашларида, иқтисодий ижтимоийлашув жараёнининг моҳияти ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёjlари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғлиқликда акс эттирилган. Масалан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларнинг ўзаро бирлашиш эҳтиёjlаридан ҳамда ташқи хавф-хуружларидан биргаликда холос бўлиш зарурати туфайли вужудга келган. Шунингдек, Берунийнинг меҳнат ва хунар тўғрисидаги қарашлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Унинг фикрига кўра, кишилар ўзларининг зарур эҳтиёjlарини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. У давлатнинг пайдо бўлишини ҳам эҳиёждан деб ҳисоблайди. Барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади. Инсоннинг қадр-қиммати унинг авлод-аждодларининг ким бўлганлиги билан эмас, балки унинг меҳнати билан белгиланади. Ҳар бир замоннинг ўзига хос қонун-қоидлари бор. Унга ҳамма риоя қилиши керак, акс ҳолда низом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ бўлади. Абу Райхон Беруний инсон эҳтиёжини фақат пул, мол-дунё билан эмас, балки меҳнат, изланиш, яратиш, қуриш, бунёд қилиш, илм олиш, билиш орқали қондириш лозимлигини таъкидлайди [5].

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса кўшган буюк қомусий олим Ибн Сино (980-

1037) ўзининг буюк “Тиб қонунлари” асарида иқтисодий тарбия ҳақида сўз юритиб, барча бойиклар ҳалол меҳнат билан орттирилиши, ота-оналар ўз фарзандларини касб-хунарга ўргатиши ва ундан олинган даромад орқали ҳалол яшаш кераклигини айтади. Ибн Сино: “Агар оила бошлиғи тажрибасизлик ёки ноҳақлик қилса, у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва унинг оқибатида бундан-да ёмон натижалар келиб чиқади”, – деб таъкидлайди [6].

Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг [1441-1501] иқтисодий ғоялари “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа асарларининг мазмунида ўз ифодасини топган. Унинг фикрича, меҳнат – жамиятнинг асосий белгиси, уни ишлаб чиқарувчилар ривожлантиради. Шунинг учун уларга ортиқча солиқлар солинмаслиги, савдо-сотиқнинг ривожланиши учун бозорлардаги маҳсулотлар баҳоси меъёрида бўлишни таъминлаш лозим. Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида жамиятнинг ривожланишида савдо-сотиқ, тиҷорат ишларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Буюк аллома “савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги”, “мол ва пул кўпайтираман деб ортиқча кема сурмаслиги”, “мол ва пул кўпайтираман деб жонсарак бўлмаслиги” кераклигини таъкидлайди ва “савдогар бож-хирож бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обрўсини тўкмаса ёки топган-тутганини меросхўрлари сотиб совуриши учун тўплаб қўймаса ёки бирор ёмон ҳодиса кўзгаш учун сарфламаса, жамғарма яхши бўлади” деб ўз фикрини билдиради [7].

Буюк араб мутафаккири, тарихчи, социолог ва иқтисодчи, турли билим соҳаларига катта ҳисса кўшган, исломий олим Ибн Халдун (1332-1406) “Муқаддима” ва “Ният ва қарашлар” каби асарларида иқтисодий тараққиёт меҳнат ва ишлаб чиқаришга боғлиқ, деб таъкидлайди. Ибн Халдун жамият фаровонлиги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан узвий боғлиқлигини, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини, жумладан, унинг солиқ сиёсати ва молияни бошқариш усулларини таҳлил қилган ҳолда, давлат барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашда адолатли ва самарали солиққа тортиш муҳимлигини таъкидлайди.

Маърифатпарвар, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний (1878-1934) ҳам иқтисодиёт илмини ўрганиш лозимлигига алоҳида диққат қаратган. У иқтисод ҳақида шундай деган: “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур.

Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганды сүмни аяmas. Саховатнинг зидди баҳиллик ўлдиги каби иқтисоднинг зидди исрофдир". "Иқтисод илмидан боҳабар бўлган кишилар ҳар доим қиладиган сарф харажатларининг самара беришини олдиндан ҳисоб-китоб қиладилар" [8].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашиш, қиёсий таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай иқтисодий қарашлар, назариялар ва моделлар негизи, албатта, иқтисодий таҳлил натижалари самараси ҳисобланади. Чунки бўлиб ўтган ҳодисалар ва жараёнларга баҳо бериш, улардан хуласа чиқариш, келгуси фаолиятни режалаштириш ёки прогнозлаш ҳамда самарали қарорлар қабул қилишда иқтисодий таҳлилнинг ўрни бекиёсdir. Иқтисодий таҳлил методологияси

ва усуллари қадим замонлардан шу кунгача мунтазам равишда шаклланиб ҳамда таомиллашиб келган. Лекин иқтисодий таҳлилнинг мутлақо янги жиҳатда ривожланишига 2008 йилда АҚШда ипотека кризиси натижасида бошланган жаҳон молиявий инқирози ва 2020 йилда COVID-19 пандемияси натижасида рўй берган иқтисодий инқироз сабаб бўлди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари компаниялари, хусусан, Ўзбекистондаги компаниялар активлари ва капитали қийматини объектив баҳолашга, молиявий-иқтисодий инқирознинг юз бериши ва барча содир бўлиши мумкин бўлган оқибатларни тўғри прогноз қилишга, йўқотилган иқтисодий фойда ва бошқа захираларни ҳисоблаш ёки аниқлаш, инқирозни бартараф этишнинг турли хил, оптимал вариантларини ишлаб чиқиш орқали компанияни самарали бошқаришга муҳтож. Ҳозирги кунда иқтисодий таҳлилнинг бир неча йўналишда олиб борилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.



1-расм. Иқтисодий таҳлил йўналишлари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ҳозирда иқтисодий таҳлил объекти бўлиб, компанияларнинг ўзи, улар ишлаб чиқаридиган барча турдаги маҳсулотлар, ишлар, хизматлар, товарлар айланишининг турли жараёнлари, барча ишлаб чиқариш омиллари ва иқтисодий фаолият турлари, таъминотчилар – етказиб берувчилар, истеъмолчилар бўлади, рақобатчилар ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётлари бўлиши мумкин. Иқтисодий таҳлилнинг шаклланиши, айнан, мамлакат иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва кўп укладли инновацион ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Фарғона вилоятидаги корхоналар мисолида ўтказилган тадқиқотлар натижасида вилоятдаги аксарият корхоналар (асосан, ўрта ва кичик бизнес) иқтисодий таҳлилдан амалда фойдаланмайди, балки режалаштириш

ва қарорлар қабул қилишда мутахассисларнинг иш тажрибаси ва билимларига таянади. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун иқтисодий таҳлил бўйича малакали кадрлар тайёрлаш муҳимлигини англаради.

Хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш тизимида инновацион ёндашувлар, иқтисодиётнинг глобаллашуви, халқаро стандартларга ўтиш жараёнлари нафақат иқтисодий таҳлил методологиясини таомиллаштиришни, шунингдек, профессионал таҳлилчиларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Аналитик фикрлаш кўнинмалари кўп жиҳатдан ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнлар ўртасида сабаб-оқибат муносабатларини

ўрнатиш, сабаб ва таъсирни аниқлаш, ўрганиётган ҳодисани ташкил этувчи омилларнинг етарли ва зарур сонини танлаш, таҳлил қилинаётган объектга индивидуал омиллар таъсирининг интенсивлиги ва шу асосда ҳодисаларнинг ривожланишини прогноз қила олиш, ўрганиётган ҳодисани баҳолаш қобилити билан белгиланади. Мутахассиснинг аналитик фикрлаши унинг малака ва компетенциялари шаклланишида ҳал қилувчи хусусиятидир.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодий глобаллашув шароитида инвестицион қарорлар қабул қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. У инвесторларга турли даражадаги ва кўринишдаги рисхатарлар ҳамда имкониятларни баҳолашда, стратегик инвестиция йўналишларини аниқлашда ва глобал рақобат муҳитидаги пухта ўйланган самарали иқтисодий қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Жаҳон иқтисодиёти конюнктурасининг тез ўзгарувчанлиги шароитида иқтисодий таҳлил глобал бозорларда муваффақиятга эришишнинг ажралмас воситасига айланди. Юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосалар олинди:

1. Иқтисодиётни либераллаштириш ва диверсификациялаш шароитида иқтисодий таҳлил муҳим восита ҳисобланади. У иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, ривожланишнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва юзага келиши мумкин бўлган хавф ҳамда муаммоларни прогноз қилиш имконини беради.

2. Иқтисодий таҳлил иқтисодий ислоҳотларга турли ёндашувларнинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш орқали иқтисодиётни либераллаштириш ва диверсификация қилиш стратегияларини аниқлашга ёрдам беради. У самарали ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тақдим этади.

3. Иқтисодий таҳлил иқтисодиётни либераллаштириш ва диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Бу ислоҳотлар қанчалик муваффақиятли амалга оширилаётгани ва улар қандай натижаларга эришаётганини аниқлашга ёрдам беради.

4. Иқтисодий таҳлил иқтисодиётнинг турли тармоқларига, уларнинг салоҳияти ва рискларини холисона баҳолаш асосида сармояларни жалб қилишга ёрдам беради. У маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг инвестиция қарорлари учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этади.

5. Ислоҳотларни мониторинг қилиш ва ўзгарувчан иқтисодий вазиятда ривожланиш стратегияларини мослаштириш имкониятини беради. Бу, ўз навбатида, ўзгаришларни зудлик билан аниқлаш, уларга ечим топиш, умуман, юзага келган янги муаммолар ёки имкониятларга мувофиқ стратегияларни ўзгартириш имконини беради.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил иқтисодиётни эркинлаштириш ва диверсификациялаш жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш, асосланган қарорлар қабул қилиншини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни самарали бошқаришда асосий ўрин тутади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. / Под ред. М.И.Баканова. 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2006.
2. Экономический анализ: история и перспективы развития. Теория и методология экономического анализа. 23 (152), 2009. Н.В.Климова, доктор экономических наук, профессор, заведующий кафедрой экономического анализа и статистики Академия маркетинга и социально-информационных технологий, г. Краснодар.
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. – Т.: «Инновацион ривожланиш» нашриёт-матбаа уйи, 2021. – 588 бет.
4. Пардаев М., Шоалимов А. ва Тоғибоеева Ш. (2011). Иқтисодий таҳлил фанининг ривожланиши тарихи. Экономика и инновационные технологии, (1), 376-382.
5. Владимирова Т.А., Кондаурова Л.А. & Фадейкина Н.В. (2024). О необходимости расширения понимания финансовой устойчивости организаций. Сибирская финансовая школа, (4), 103-110.
6. Ахмедов Ж.Т. (2024). Марказий Осиёда миллатлараро муносабатларнинг тарихи ва ривожланиши босқичлари. Educational Research in Universal Sciences, 3(1), 735-742.
7. Дағранова М. (2024). Буюк қомусий олим. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 17(4), 19-21.
8. Муҳитдинова Ф.А. (2024). Марказий Осиё ҳалқларининг сиёсий қарашларини илмий таҳлил этишининг долзарблиги ва аҳамияти. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(17), 103-114.
9. Tohiroovich, Q.N. (2024). The Role of Performance Assessment in the Personnel Management System. American Journal of Integrated STEM Education, 1(1), 43-51.

10. Обламурадов С. & Рафиева З.Х. (2024). Актуальность влияния глобализации на инвестиции в развитие государства. *SCHOLAR*, 2(3), 107-116.
11. Kurbonova S.A. (2021). *Mahsulot tannarxi hisobiga olishda boshqaruv hisobini takomillashtirish masalalari*. *Scientific progress*, 2(8), 603-607.
12. Исланов И.Н. (2023). Некоторые вопросы анализа финансовой устойчивости предприятия. In *Устойчивое развитие: анализ тенденций российской и мировой экономики* (pp. 115-120).
13. Ибрагимова З. (2023). *Dunyoning iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarining boshqaruv tahlilini tashkil etish va ularni ichki iqtisodiyotga tatbiq etish tajribasi*. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. / *Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук. / Actual Problems of Humanities and Social Sciences*, 3(S/5).
14. Qudbiyev N.T. (2023). *Korxonalarining innovatsion strategiyasini ishlab chiqish xususiyatlari: korxonalarining innovatsion strategiyasini ishlab chiqish xususiyatlari*.
15. Кудбиеев Д. (2023). Совершенствование автоматизации бухгалтерского учета. In *Устойчивое развитие: анализ тенденций российской и мировой экономики* (pp. 376-380).
16. Kudbiev D., Qudbiyev N.T. & Imomova Z.T.Q. (2022). *Moliyaviy hisobotlardan moliyaviy menejmentda foydalanish masalalari*. *Scientific progress*, 3(4), 1030-1037.
17. Расулова Ш. (2023). *Xarajatlar hisobini tashkil etish va tasniflashning iqtisodiy ahamiyati*. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари./ *Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук. / Actual Problems of Humanities and Social Sciences*, 3(2), 85-93.
18. Кротов Д.А. & Мищенко Т.Л. (2024). Роль финансового анализа в цифровой экономике. *Финансовый менеджмент*, (2), 79-85.